БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 239 (16.322) • 12 октябрь 1975 йил якшанба • Баҳоси 2 тийин

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган Бухоро областининг меҳнаткашлари пахта тайёрлаш беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Давлат тайёрлов ташкилотларига 2 миллион 30 минг тонна ўрнига 2 миллион 32 минг тонна пахта етказиб берилди. Пахтанинг асосий қисми биринчи сортларга топширилди.

Шунингдек, область меҳнаткашлари давлатга пилла, қоракўл тери, тухум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мева ва узум топшириш юзасидан белгиланган беш йиллик халқ хўжалик план топшириқларини ҳам муддатидан илгари адо этдилар.

Наманган областининг Поп районидаги «Коммунизм» колхози механизаторлари ҳосилни йиғиб олишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Суратда: шу колхознинг илғор механизатори О. Қорабоева. У КПСС XXV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, 150 тонна пахта термоқчи.

Ж. Тўраев фотоси.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ ҚУТИБ ОЛИШ УЧУН БОШЛАНГАН УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙДИРИНГИЗ! 1975 ЙИЛ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ВА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ УЧУН КУРАШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ПАРТИЯНИНГ ОТАШИН ЧАҚИРИҚЛАРИ

Барча совет кишилари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилини муваффақиятли якунлаб, КПСС XXV съезди белгилаб берадиган ўнинчи беш йиллик улкан топшириқларини сидқидилдан амалга оширишга енг шимариб турган шу қутлуғ айём кунлари Коммунистик партиямизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 58 йиллиги муносабати билан Чақириқлари эълон қилинди.

Яшасин жаҳон тарихида янги давр — дунёни революцион янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берган Улуғ Октябрь!

Яшасин абадий барҳаёт революцион интернационал таълимот, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун кураш байроғи — марксизм-ленинизм!

Партиямизнинг жанговар Чақириқларидаги бу илҳомбахш даъватлар бутун планетамиз узра янграб, инсониятни тинчлик ва тараққиётга, яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига чорламоқда. Коммунизм байроқдори бўлган Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ҳамда тинчликсевар кучларнинг ғайрат-шижоати туфайли ер юзида мустаҳкам тинчликнинг ишончли пойдевори ўрнатилмоқда. Ўттиз йилдан буён планетамиз осмони беғубор бўлиб келаётган экан, Европада тинчлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгаш муваффақиятли якунланган ва тинчлик ғоялари жаҳон узра тантана қилаётган экан, буларнинг ҳаммаси жонажон партиямиз ленинча тинчлик сиёсатини изчил амалга ошираётганлигининг ёрқин далилидир.

Чақириқларда коммунизм бинокори — улуғ совет халқи шаънига, янги жамият қурилишида етакчи куч бўлган қаҳрамон ишчилар синфи, коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган шонли колхозчи-деҳқонлар, совет халқ зиёлилари шаънига самимий сўзлар айтилган.

Бутун совет халқи Ленин ва Улуғ Октябрь кўрсатиб берган йўлдан шонли партиямиз бошчилигида дадил олға бориб, оламшумул—тарихий ғалабаларни қўлга киритди, империализм кучларининг дағдағаларини мардонавор даф этиб, Европа халқлари ва бутун инсониятни фашизм вабосидан халос этиб, тарихий тараққиётнинг Маркс, Энгельс, Ленин кўрсатиб берган ойдин йўлидан бормоқда.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватанимиз қудратининг ва халқ фаровонлигини муттасил ўстиришнинг негизи — социалистик экономикани янада юксалтириш учун сабот билан курашингиз! Меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашингиз, камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот беришга интилингиз!

Илҳомбахш Чақириқлардаги ҳар бир оташин даъват совет кишиларини Ватанимиз бахт-саодати йўлида янгидан-янги меҳнат зафарларига отлантириши турган гап. Мамлакатимизнинг барча меҳнат аҳли қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрнинг шонли йиллигини меҳнатда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Республикамиз индустриясининг ходимлари саноат ишчиларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мураккаб об-ҳаво қийинчиликлари шароитида ҳар қачонгидан ҳам мардонавор ишлаб, кенг майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар. Бугунгача тайёрланган «оқ олтин»имиз 3,5 миллион тоннадан ошиб кетди. Ҳозироқ қатор районлар, хўжаликлар, бўлим ва бригадалар йиллик планларини бажариб қўйиб, 5 миллион 200 минг тонналик улкан хирмонга мажбурият ҳисобига қўшимча тонналарни тўкмоқдалар. Дала гвардиячилари бўлган шонли механизаторларимиз кун сайин суръатга суръат қўшмоқдалар. Машиналарда 3 миллион тонна пахта териб бериш учун курашни асло бўшаштирмаётирлар.

Шу кунларда партиямизнинг навбатдаги XXV съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақаси ғоят қизиб кетди. КПСС Марказий Комитети Чақириқларида ҳам юксалишнинг бу жуда муҳим омилига катта эътибор берилган:

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдирингиз! 1975 йил планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун курашингиз!

Коммунистлар ҳамма вақт бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида авангардлик ролини ўйнашга даъват этилгандирлар:

Коммунистлар! КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш йўлидаги умумхалқ ҳаракатининг олдинги сафида борингиз! Омманинг актив ташкилотчилари ва тарбиячилари бўлингиз!

Ёшлар барча авлод қаҳрамонона ишининг муносиб вориси, уларнинг буюк анъаналари давомчисидир. Шу боисдан ҳам Чақириқлардаги қуйидаги сўзлар бугунги кунда алоҳида куч билан жаранглалмоқда:

Йигит ва қизлар! Марксча-ленинча таълимотни, фан, техника ва маданият ютуқларини сабот билан эгаллангиз! Совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини кўпайтирингиз! КПССнинг XXV съездини зарбдор меҳнат ва аъло ўқиш билан нишонлангиз!

Бу йил бутун жаҳон халқлари Халқаро хотин-қизлар йилини нишонламоқда. Хотин-қизлар бизнинг жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнини топди, коммунистик мўл-кўлчилик бунёдкорлари сифатида танилди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларида улар қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Яшасин социалистик Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари, меҳнат ва жамоат ҳаётининг актив иштирокчилари — совет хотин-қизлари! Ўз қалб ҳароратини болалар тарбиясига бағишлаётган оналарга шон-шарафлар!

Бугун мамлакатимиз шонли қишлоқ меҳнатчиларини Қишлоқ хўжалик ходимлари куни билан қутламоқда. Улар ўзларининг бу анъанавий байрамларини мўл-кўлчилик дастурхонимизни янада баракали қилиш йўлидаги фидокорона ишлари билан кутиб олмоқдалар.

Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш беш йиллик топшириқларини бажаришга қунт билан ҳаракат қилингиз! Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш ва кўкламги экишга намунали тайёргарлик кўриш учун, 1976 йилда мўл ҳосил олиш учун курашингиз!

КПСС Марказий Комитетининг байрам олди Чақириқларида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқларига, мамлакатни батамом озод қилишга эришиб, миллий бирлик, тинчлик ва социал тараққиёт йўлидан дадил олға бораётган қаҳрамон Вьетнам халқига кардошлик саломи, капитал мамлакатлардаги ишчилар синфига, мустамлака кишанларини улоқтириб ташлаган халқларга қизғин салом йўлланган.

Революцион кучлар — жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар ҳаракати, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун курашчиларнинг қудратли иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланиб, равнақ топаверсин!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари олға!

- ✦ МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР
- ✦ БУХОРО ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ
- ✦ СЪЕЗД ШАРАФИГА ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТЛАР

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

«Узбекшахтострой» трестининг коллективи КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб бош пудрат бўйича ва ўз кучлари билан иш бажариш беш йиллик планни бажарганлиги тўғрисида 10 октябрда рапорт берди. Беш йиллик бошидан буён 148 миллион 600 минг сўмлик ҳажмдаги иш бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи ҳам ошириб бажарилди.

1971—1975 йиллар мобайнида резина комбинати ва керамик буюмлар ишлаб чиқариш комбинати, йирик панелли уйсозлик заводи, Олмалиқ рўзғор химияси заводи, Оҳангарон минерал-момиқ буюмлар заводи ва бошқа кўпгина муҳим саноат объектлари ишга туширилди.

«Узбекшахтострой» коллективи КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб, беш йиллик пландан ташқари 5,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 4-махсус қурилиш-монтаж трестининг меҳнатчилари беш йиллик топшириғини муддатидан аввал бажардилар, 1971 йилдан буён 52 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. «Промбурвод»га қарашли 11-қурилиш бошқармасининг, Наманган ва Олмалиқ хўжалик ҳисобидаги участкаларнинг коллективлари ва бошқа коллективлар зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар.

Трест қурувчилари ва монтажчилари КПСС XXV съездини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олишга интилиб, йил охиригача қўшимча суратда камида 3,5 миллион сўмлик иш бажариш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

ТЕРИМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ва уни давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1975 йил октябрь ойи биринчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Сирдарё областига (область партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳайдуров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қўчқоров, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ибодуллаев,** пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Шодиев,** «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Хобта,** область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Турсунов,** область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдураимов**) беришга қарор қилинди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 72,03 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 47,66 процент, машина теримини 54,68 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Андижон областидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент** областида (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Мусахонов,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Юсупов,** область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Исоқов,** пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Отаметов,** «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Киселев,** область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Муслимов,** область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Бобоев**) қолдирилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 84,27 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 36,97 процент, машина теримини 40,67 процент кўпайтиришга эришган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент областининг Юқори Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Қодиров,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Мирсолихов,** район ижроия комитетининг район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Холмонов,** «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Каримов,** район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Абдуллаев,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Салимов**) беришга қарор қилинди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 109,84 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 54,73 процент, машина теримини 58,52 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Тошкент областининг Қуйи Чирчиқ районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Сирдарё областининг Боёвут районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Тўхлиев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Бердиназаров,** район ижроия комитети район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Шукуров,** «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Маҳкамов,** район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Чубаев,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Дўсматов**) беришга қарор қилинди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 60,44 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 48,23 процент, машина теримини 55,23 процент кўпайтиришга эришган. Байроқ Андижон областининг Бўз районидан олиб берилади.

(Давоми иккинчи бетда).

ИЛҒОР САБЗАВОТЧИЛАРГА— БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, хўл мева ва узум сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1975 йил 1 октябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Жиззах областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Тоиров,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Исломов,** область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Сойибназаров,** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва уларнинг сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ **Қолдибоев,** область матлубот союзининг раиси ўртоқ **Неъматов**) беришга қарор қилинди. Бу область барча турдаги сабзавот тайёрлаш йиллик планини 90,9 процент, картошка тайёрлаш планини 30,4 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлаш планини 159,5 процент, мева тайёрлаш планини 152,3 процент, узум тайёрлаш планини 113,5 процент бажарган ва сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 47,2 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 86,1 процент, картошка тайёрлашни 5,9 процент, мева тайёрлашни 19,8 процент, узум тайёрлашни 92,7 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент областининг Оҳангарон районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Аъзамов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Одилов,** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Пак,** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва унинг сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ **Абдураззоқов**) беришга қарор қилинди. Бу район барча турдаги сабзавот тайёрлаш йиллик планини 117 процент, картошка тайёрлаш планини 70,5 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлаш планини 104,1 процент, мева тайёрлаш планини 117 процент, узум тайёрлаш планини 92,9 процент бажарган ва сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 77,6 процент, картошка тайёрлашни 12,9 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 49,9 процент, мева тайёрлашни 35,9 процент, узум тайёрлашни 68,7 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Самарқанд областининг Самарқанд районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Самарқанд область, Самарқанд районидаги «Победа» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Норбоев,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Аҳмедов,** бош агроном ўртоқ **Давлатянц**) беришга қарор қилинди. Бу колхоз барча турдаги сабзавот тайёрлаш йиллик планини 122 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлаш планини 235 процент, мева тайёрлаш планини 144 процент, узум тайёрлаш планини 92 процент бажарган ва сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик пландагига нисбатан 50 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 72 процент, мева тайёрлашни 51 процент, узум тайёрлашни 70 процент кўпайтиришга эришган. Байроқ Тошкент область Калинин районидаги Навоий номли колхоздан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Андижон область, Қўрғонтепа районидаги Фрунзе номли совхозга** (совхоз директори ўртоқ **Усмонов,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Олимжонов,** бош агроном ўртоқ **Хўжаев,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Эгамбердиев**) беришга қарор қилинди. Бу совхоз барча турдаги сабзавот тайёрлаш йиллик планини 110 процент, хўл мева тайёрлаш планини 100 процент бажарган ва сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 88 процент, мева тайёрлашни 25 процент, картошка тайёрлашни 7,3 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Андижон область, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент область Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозга** (совхоз директори ўртоқ **Умирзоқов,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Холтоев,** бош агроном ўртоқ **Нишонов,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Саъдуллаев**) беришга қарор қилинди. Бу совхоз барча турдаги сабзавот тайёрлаш йиллик планини 136,5 процент, картошка тайёрлаш планини 58 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлаш планини 222 процент, мева тайёрлаш планини 116 процент, узум тайёрлаш планини 240 процент бажарган ва сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик пландагига нисбатан 77,3 процент, картошка тайёрлашни 10,1 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 113 процент, мева тайёрлашни 26,1 процент, узум тайёрлашни 207 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Самарқанд область, Самарқанд районидаги «Овошче-Виноградний» совхозидан олиб берилади.

СОВЕТ-СУРИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад 1975 йил 9-10 октябрь кунлари совет раҳбарларининг таклифига биноан Совет Иттифоқида дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турди.

Визит вақтида Совет-Сурия музокаралари бўлди, музокараларда: совет томонидан—КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, СССРнинг Суриядаги элчиси Н. А. Муҳитдинов; Сурия томонидан — Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад, Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари Абдулла Аҳмар, Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари Муҳаммад Жобир Бажбуж, Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси, Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Абдул Ҳалим Ҳаддам, Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси, мудофаа министри Мустафо Тлас, Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси, ишчи касаба союзлари умумий федерациясининг раиси Маҳмуд Ҳадид, Суриянинг СССРдаги элчиси Жамил Шайя қатнашдилар.

Бўлиб ўтган музокаралар давомида ҳозирги вақтда Яқин Шарқда вужудга келган аҳвол ва унинг умуман халқаро вазиятга таъсири муҳокама қилинди. Томонлар араб давлатларининг, араб халқининг, шу жумладан, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари қайта тикланиши ва таъминланиши учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилишга азми қарор берганликларини таъкидладилар.

Совет Иттифоқи ва Сурия раҳбарлари иккала давлат ўртасидаги, уларнинг халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга қаттиқ бел боғлаганликларини айтдилар. Шу билан бирга ҳеч кимнинг бу дўстликни бўшаштиришига, унга зарар етказишига йўл қўйилмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Музокаралар дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди.

* * *

10 октябрь куни Кремлда Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳ. Асад ва унинг ҳамроҳлари шарафига Совет ҳукумати номидан нонушта зиёфат берилди. Зиёфатда Л. И. Брежнев билан Ҳ. Асад қадаҳ кўтариб, дўстона нутқ сўзладилар.

Шу куни Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳ. Асад юртига жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко кузатиб қолдилар.

1975 5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада	
			бир кунда	мавсум бошидан
Андижон	1,83	90,00	2,86	65,77
Тошкент	3,01	84,27	3,28	84,85
ҚҚ АССР	2,45	79,16	2,65	58,12
Фарғона	2,03	78,40	3,04	46,96
Сурхондарё	2,20	77,45	2,56	73,07
Қашқадарё	1,36	75,16	1,14	45,52
Наманган	2,39	75,01	2,65	60,89
Сирдарё	4,72	72,03	5,09	77,08
Хоразм	2,12	71,83	2,46	55,24
Жиззах	2,76	66,21	1,96	63,56
Самарқанд	2,25	64,00	2,11	36,55
Бухоро	0,84	57,56	0,33	11,10
Республика бўйича:	2,21	74,61	2,46	55,24
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Наманган	4,10	114,13		
Бухоро	3,49	74,09		
Сурхондарё	2,34	64,57		
Қашқадарё	1,30	56,18		
Республика бўйича:	2,17	64,46		

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сирдарё областининг қўриқ ердаги Оқолтин районига** (район партия комитетининг секретари ўрток **Тетуев**, район ижроия комитетининг раиси ўрток **Фозилов**, район ижроия комитети район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток **Шукуров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток **Торибоев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Зулқайнаров**, район комсомол комитетининг секретари ўрток **Қудриддинов**) беришга қарор қилинди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 86,41 процент бажаргач ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 65,51 процент, машина теримини 79,81 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Андижон областининг Комсомолобод районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сурхондарё областининг Гагарин районида** (район партия комитетининг секретари ўрток **Норкобилов**, район ижроия комитетининг раиси ўрток **Тоғаев**, район ижроия комитети район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток **Мирзаев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток **Нормуродов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўрток **Чутваев**, район комсомол комитетининг секретари ўрток **Пономарева**) қолдирилди. Бу район пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш йиллик планини 69,24 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 28,39 процент, машина теримини 33,9 процент кўпайтиришга эришган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Сирдарё область Ховос районидаги «Фарҳод» совхозига** (совхоз директори ўрток **Жумаев**, партия ташкилотининг секретари ўрток **Ҳакимов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Қурбонов**, комсомол ташкилотининг секретари ўрток **Пирматов**) беришга қарор қилинди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 98,97 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 58,06 процент, машина теримини 60 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Тошкент область, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Сирдарё область, Оқолтин районидаги қўриқ ерда жойлашган Ворошилов номли совхозга** (совхоз директори ўрток **Латипов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Жумаев**, ишчилар комитетининг раиси ўрток **Тожиддинов**, комсомол ташкилотининг секретари ўрток **Шодиев**) беришга қарор қилинди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 101,77 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 81,7 процент, машина теримини 95,19 процент кўпайтиришга эришган. Байроқ Андижон область Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Сурхондарё область Гагарин районидаги «Советобод» совхозига** (совхоз директори ўрток **Ўролов**, партия ташкилотининг секретари ўрток **Ҳамроев**, ишчилар комитетининг раиси ўрток **Қурбонов**, комсомол ташкилотининг секретари ўрток **Остонқулов**) беришга қарор қилинди. Бу совхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш йиллик планини 49,77 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 32,5 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Сурхондарё область Гагарин районидаги А. Набиев номли совхоздан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Сирдарё область Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўрток **Латипов**, партия ташкилотининг секретари ўрток **Ашуралиев**, комсомол ташкилотининг секретари ўрток **Тошматов**) беришга қарор қилинди. Бу колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 76,94 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 58,71 процент, машина теримини 76,91 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Тошкент область Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Сурхондарё область, Термиз районидаги Куйбишев номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўрток **Хўжамқулов**, партия ташкилотининг секретари ўрток **Йўллиев**, комсомол ташкилотининг секретари ўрток **Қорақулов**) беришга қарор қилинди. Бу колхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш йиллик планини 68,64 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 33,10 процент, машина теримини 61,78 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоздан олиб берилади.

БЕШ ЙИЛЛИК: ЗАФАР ҚУЧИЛГАН ЖОЙЛАР

УЧИНЧИ КАЛОМ

Қорақалпоғистонда қаерга бормайлик, ҳамма жойда бамисоли йўл кўрсаткич белгисидек, икки калимани — пахта билан шоли деган сўзни эшитиб турдик. Йўл эса олис ва машаққатли эди. Бу ерда икки юз километр йўлни масофа деб ҳисоблашмайди, ҳа, кузак фаслининг атрофдаги даштлардан майда чанг аралаш ўттиз даражали иссиқ ҳавосини ҳам писанд қилишмайди, бунга эса дарҳол ўрганиб кетиш қийин. Шоферимиз машинани қай томонга бурмасин — республиканинг жанубигами ёки шимолигами, офтобдан жон сақлаш мушкул эди. Қуёш ўзининг игнадек ўткир найзасини машина ойнасидан ўтказиб, қўлларингни ва елкаларингни куйдиради, тоқат қилиб бўлмайдиган бу жазирамани биз соатига юз қилометр тезликда шовқин-сурон билан юриб кетаётган «Волга» машинасида ҳам сезиб турардик.

— Ҳа, иссиқроқ, — деган эди шундан бир кун илгари область партия комитетининг биринчи секретари Қаллибек Камолович Камолов, — ваҳолонки, бизнинг еримиз пахтачилик зонасининг энг шимолида жойлашган. Бу ерда иссиқлик танқис: кўпинча баҳор кечикиб келиб, куз эрта тушади. Ушанда фурсатни қўлдан бой бериб қўйдингми, жамики ҳаракатларинг беҳуда кетади. Лекин кейинги ўн йил мобайнида пахта етиштириш бир-у ўндан етти марта кўпайди. Бу йил тўрт юз минг тоннадан зиёдроқ пахта топширишни мўлжаллаб турибмиз. Шоли — бизнинг еримизда экиладиган янги экин, лекин одамларимиз бу экиннинг нозик сирларини билиб олишди. Беш йилликнинг якунловчи йилида мамлакатга бир юз эллик минг тонна шоли топширамиз. Албатта, топширамиз! Бу — партия XXV съездига республиканинг совғаси бўлади...

Область партия комитети секретарининг ҳикояси, унинг хонасида келтирилган рақамлар бирмунча мавҳумийроқ туюлган эди. Қаллибек Камолович: «Лекин бунинг учун астойдил ишлаш керак» деб такрор-такрор айтган бўлса ҳам, бир маҳаллар ҳаётдан асар бўлмаган даштни яшнатишнинг бунчалик чинакам катта миқёсини тасаввур қилиш мумкин бўлмаган эди.

Машина Қизкетган каналидан ўтиши биланоқ кўз ўнгимизда даштлик намоён бўлди. Сувга умрбод ташналик тўғрисида кишини ҳаяжонлантирадиган ана шу Қизкетган афсонаси тўқилган. Бундан кейинги йўлимиз Тахиатош гидроузелининг дарёдаги тўғони орқали шимол томонга, Орол денгизи сари боради. Қизиб кетган асфальт йўл ёқалаб қулоч ёзган пахта далаларини унча чуқур бўлмаган суғориш каналлари текис тўртбурчак шаклида кесиб ўтган. Ўша кунларда пахта энди очилиб келаётганди. Чаноқдан жамол кўрсатган пахта машина ойнасидан онда-сонда кўзга ташланади. Пахтазорлар ҳувуллаб қолган — на одам бор, на машина. Аммо далалар узра заҳматкаш «Ан-2» маркали самолётлар айланиб юрар, аҳён-аҳёнда эса машина ойнасига қандайдир суюқлик аралаш майда-майда ёмғир томчиларди.

— Дефолиация бошланди, — деб тушунтирди ҳамроҳим Абдибой Қарлибоевич Қарлибоев. — Учувчилар ғўзага дори сепишмоқда, орадан бир неча кун ўтгач, ғўза барглари сўлиб, тўкила бошлайди. Ўшанда машиналар ишга тушиб кетади...

Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз дирекцияси жойлашган бино салқин ва бўш эди. Қора кўз секретарь қиз директор тезда келиб қолади, деб, кутиб туришни илтимос қилди. Биз чекишиб турган пайтимизда остонага ўрта бўй, зуваласи пишиқ бир одам кириб келди. Унинг шляпаси ва эгнидаги пиджаги, оёғидаги этиклари чанг босиб кетган эди. Астойдил қўл бериб сўрашди. Менга унинг жилмайиши, юзларидаги ажинлари танишдай кўринди, лекин қаерда кўрганлигимни эслай олмадим.

— Салом алайкум! — Абдибой учрашувдан хушнуд бўлиб таништирди: Машҳур шоликоримиз Уббиниёз Бекниёзов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони...

Ўшандагина бу одамни қаерда кўрганлигимни эсладим. Республиканинг ярим асрлик юбилейи кунига атаб Нукусда чиқарилган Қорақалпоғистон тўғрисида китоб саҳифаларини кеча варақлаётганимда унинг суратини кўргандим.

Уббиниёз уятчангроқ ва кам гап одам экан. Лекин у худди нарвон зиналаридан кўтарилгандек рақамларни аниқ ва пухта айтарди. У бундан ўн йил муқаддам қўриқда ташкил этилган янги совхозга кўчиб келганида биринчи бўлиб шолипояга уруғ сочди, гектаридан ўн уч центнердан ҳосил кўтарди. Бу шунчалик кам эдики, Уббиниёз дастлабки йилдаги ҳосил тўғрисида ҳозир гапираётганида ҳам хижолат тортиб жилмаярди. Етмиш иккинчи йили гектаридан эллик олти центнердан, бу йил, тўққизинчи беш йилликнинг охирги йилида эса гектаридан етмиш беш центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллашмоқда. Унинг бригадасидаги кўрсаткичлар мана шунақа ўсаверди...

Бундай муваффақиятга қандай қилиб эришдингиз? — деган саволимга шоликор пўнда қилиб:

— Суғорамиз... ишлаймиз... — деб жавоб қайтариб қўя қолди.

Абдибой Қарлибоевич суҳбатдошимизнинг кам гаплигидан ранжиганлиги шундоққина билиниб турар, у Уббиниёзнинг қисқа-қисқа жавобларини иложи борича «кенгайтириш» учун саволларни ёғдириб ташлаганди. У шоли инсондан қанчалик кўп меҳнат талаб этиши, экинни қандай парвариш қилиш, ер текислаш, пол олиш, энди ердан бош кўтариб келаётган шоли ниҳолларини қуритиб қўймаслик учун дашт ерининг шўрини неча маротаба ювишга тўғри келганлиги тўғрисида аста-секин ҳикоя қилиб бергандек бўлди. Шундан кейин шоли ниҳоли ердан бош кўтариб қуёш сари сантиметрлаб бўй чўзиши, шоли экинини қанча сув бериб суғориш, экиннинг чанқаб қолишига ҳам, қуллатиб суғорилишига ҳам йўл қўймаслик тўғрисида ҳикоя қилиб бергандек бўлди. Шоли бошоғи вазмин сара донга тўлиши учун қирқ кун ўсади, ҳар бир гектар шолипоя бир тонна ўғитни «ҳазм қилиши» ва Амударёнинг минг куб бўтана сувидан ичиши керак. Уббиниёз ўзи тўғрисида гап кетганда маъқуллаш белгиси сифатида бошини қимирлатарди-ю мақтовдан ўнғайсизланарди, ниҳоят айтилганларга қўшилган бўлиб деди:

— Абдибой тўғри гапирди — ишлаймиз...

... Мен Цейлон билан Ҳиндистонда, Япония билан Индонезияда ўримга тушиш олдидан сув тўлдириб қўйилган шолипояларни кўрганман. Ўша жойларда деҳқонларнинг эгилган қадди-қомати, тиззаси ерга теккудек даражада эгилиб ердан ҳар донни битта-биттталаб териб олаётганлиги ёдимга тушади.

Бу ерда, Қорақалпоғистонда бошқача манзарани кўрдим: одам боласи парвариш қилган шолипоялар донининг оғирлигидан эгилиб, ерга таъзим қилиб турарди. Инсоннинг астойдил меҳнати олдида бамисоли тиз чўккандек турарди, унинг меҳр-шафқатига таъзим қилгандек эди...

— Шундай бўлгани яхши — мўл кўл ҳосил йиғиштириб оламиз, шу билан бирга ҳар битта комбайнга махсус мосламалар ўрнатишга, тиз чўкиб турган шолини шундай йиғиштириб олишга тўғри келади, — деди кейинроқ ифтихор ва ташвиш аралаш оҳангда совхоз директори Унғарбой Қурбонниёзович Қурбонниёзов. — Унинг ўзига яраша анча ташвишлари бор. Лекин шоли саховатли экин, кишини ноумид қолдирмайди...

... Тош йўлнинг ҳар икки томонида қулоч ёзган даштнинг ҳароратли нафаси яна сезила бошлади. Шолипоялар кетидан пахтазорлар, пахтазор кетидан шолипоялар бошланарди, маккажўхоризор ва жўхоризор далалар кўзга ташланади. Буларнинг донидан шўрва ва бешбармоққа, ажойиб хамир қорилади. Янги суғориш каналлари орасидан танлаб олинган замин олис уфқларга туташиб кетган. Шу далаларга боқиб яқиндагина мана шу ерлар тиконзорлардангина иборат бўлганлигига ақлим бовар қилмайди.

— Бундан бори-йўғи тўрт йил муқаддам янги «кўчиб келганимизда кўплар бу ерларда боғ. экинзор бўлишига ишонмаганди, — дейди Ленинобод район партия комитетининг секретари Ёқуб Раҳимович Қурбонов. У ўз райони, унинг меҳнат аҳли — чўлқуварлар тўғрисида завқ-шавқ билан гапирарди. Бу далаларни яшнатиш ва яқиндагина даштлик бўлган мана шу майдонларда «оқ олтин» етиштириш қанчалик мушкул бўлганлиги тўғрисида сўзларди. Улар сўзнинг том маъносида мушкулликларни енгиб, пахта етиштирардилар. Ахир, бу ерга янги кўчиб келган кўп кишиларга пахта янги экин эди. Ёшлар янги ерларнигина эмас, балки янги касб-корни ҳам ўзлаштирардилар, машина ва агротехникани ўрганардилар, район партия комитетининг секретари эса оқсоқолларни тез-тез тўплаб, қўриқ ерларнинг келажаги тўғрисида ҳурматли қариялар билан узоқ суҳбатлашарди.

Улар қандай қилиб яхшироқ ишлаш масаласини муҳокама қилиб, шу ердаёқ бир қарорга келардилар: Иложи бор жойда «оилавий» звенолар, ҳатто бригадалар тузишарди. Ахир, бу ерга улар ўғиллари ва неваралари билан оила-оила бўлиб келишган, шунинг учун оқсоқоллардан ҳар бири унинг ўзи ҳам, фарзандлари ҳам нималарга қодирлигини кўрсатиши керак.

— Биз йиғиштириб олинган ҳосилни ва пахтакорларнинг иш ҳақини ҳисоблаб кўрганимизда одамларга тегишли ҳақни кассада эмас, район қурултойида беришга қарор қилдик. Биз пулни ҳам барча халойиқнинг кўз ўнгида, маданият уйининг саройида топширдик. Катта байрам бўлиб кетди. Одамлар ҳамжиҳат бўлиб ишга киришган чоғда дашт ҳам ҳосил беришига ишониб, илгариги шубҳа-гумонларини унутиб юборди.

... Пахта билан шоли, — бу икки сўз, икки калом биз Қорақалпоғистон бўйлаб қадам қўйганимизда одамлар билан учрашган чоғимизда ҳам, хайрлашганимизда ҳам ҳамиша эшитилиб турди. Ҳали ўзлаштирилмаган даштлар тугаб, далалар, боғлар ва токзорлар бошланаркан, ана шу иккита сўзга беихтиёр тағин битта сўзни — меҳнат деган сўзни қўшгинг келади. Зеро, улкан ва фидокорона меҳнат қадимий даштларни яшнатиб, бу ерларни саховатли далага айлантирди.

П. БАРАШЕВ.
(«Правда»нинг махсус мухбири).
Қорақалпоғистон АССР.

(«Правда», 1975 йил 11 октябрь).

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — мавсум бошидан буён, учинчи стун — шу жумладан машинада терилган пахта

АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Бўз	108,64	71,37
Избоскан	104,17	85,92
Пахтаобод	96,23	74,91
Ленин	96,10	47,42
Хўжаобод	94,36	50,19
Комсомолобод	92,63	118,73
Жалолқудуқ	85,41	64,87
Марҳамат	85,40	55,24
Балиқчи	85,14	73,45
Москва	84,36	57,71
Андижон	82,59	34,76
Қўрғонтепа	81,34	65,08
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Юқори Чирчиқ	109,04	117,67
Қуйи Чирчиқ	107,01	115,22
Янгийўл	87,02	70,13
Оққўрғон	81,11	79,79
Бўка	79,35	75,21
Урта Чирчиқ	79,02	88,13
Бекобод	78,97	77,06
Пискент	78,33	73,06
Чиноз	74,61	64,53
ҚҚ АССР		
Тўрткўл	87,57	58,73
Шуманай	82,32	68,06
Хўжайли	81,61	60,24
Беруний	81,46	47,97
Амударё	77,61	53,21
Нукус	77,51	57,58
Қўнғирот	75,78	57,57
Кегайли	75,48	64,06
Тахтакўпир	73,24	59,10
Ленинобод	72,71	69,12
Чимбой	68,02	50,56
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Ленинград	93,77	76,64
Киров	90,28	66,38
Узбекистон	87,68	64,74
Қува	85,51	45,83
Фрунзе	79,63	71,48
Охунбобоев	78,12	43,18
Бувайда	77,40	41,16
Фарғона	76,22	17,65
Тошлоқ	68,35	33,07
Бағдод	67,22	22,37
Риштон	66,69	19,31
Қувасой шаҳри	65,35	17,13
Олтиариқ	65,13	40,93
СУРХОНДАРЕ ОБЛАСТИ		
Сариосиё	93,69	83,27
Денов	88,37	85,76
Шўрчи	80,73	81,24
Ленин йўли	73,66	73,00
Гагарин	69,24	78,85
Жарқўрғон	68,15	34,09
Шеробод	65,64	62,06
Термиз	65,61	52,25
ҚАШҚАДАРЕ ОБЛАСТИ		
Шаҳрисабз	102,87	73,59
Яккабоғ	86,75	61,63
Қарши	82,02	53,94
Нишон	79,22	61,82
Китоб	77,26	35,81
Қамаши	74,18	43,42
Чироқчи	67,42	17,47
Ғузор	66,32	20,84
Ульянов	65,92	50,95
Косон	51,89	18,26
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Задарё	83,17	78,51
Тўрақўрғон	82,80	54,50
Учқўрғон	81,53	100,88
Поп	79,07	63,49
Норин	78,58	84,08
Янгиқўрғон	75,90	48,58
Наманган	73,69	76,37
Уйчи	71,56	30,86
Чуст	62,64	—
Косонсой	55,49	—
СИРДАРЕ ОБЛАСТИ		
Ховос	100,23	111,73
Оқолтин	85,41	104,05
Ильич	70,63	82,52
Ворошилов	70,21	66,54
Сирдарё	69,63	62,77
Гулистон	68,61	69,70
Боёвут	60,44	61,54
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хонқа	78,84	46,50
Гурлан	74,11	41,35
Қўшкўпир	73,25	40,76
Боғот	73,22	36,14
Шовот	71,15	33,25
Янгиариқ	69,75	33,50
Хазорасп	69,54	33,83
Урганч	68,74	41,00
Хива	66,55	19,15
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Ғаллаорол	77,12	15,86
Жиззах	69,00	43,13
Дўстлик	68,92	73,12
Октябрь	65,31	64,72
Мирзачўл	63,47	66,21
Пахтакор	62,39	66,35
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Нарпай	72,87	50,00
Пахтачи	72,58	50,69
Иштихон	70,61	48,36
Каттақўрғон	67,96	38,57
Самарқанд	66,74	71,58
Оқдарё	63,22	45,71
Жомбой	63,02	40,91
Пастдарғом	59,08	26,48
Хатирчи	58,71	14,60
Пайариқ	56,57	26,17
Булунғур	47,68	25,83
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Олот	87,93	58,83
Қоракўл	83,08	55,49
Бухоро	65,16	5,87
Свердлов	64,30	4,84
Коғон	62,52	12,85
Ромитан	60,88	3,74
Ғиждувон	51,40	—
Вобкент	49,69	8,93
Қизилтепа	46,29	—
Шофиркон	44,47	1,26
Навоий	36,24	2,02

ДОН—ДАВЛАТГА!

Республикамиз областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — мавсум бошидан буён топширилган дон; учинчи стун — бир кунда (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

АНДИЖОН	105,0	0,1
Тошкент	97,8	3,4
Самарқанд	96,1	2,1
Фарғона	92,9	—
Сурхондарё	79,8	2,2
Қашқадарё	73,3	0,4
Наманган	66,0	0,2
Сирдарё	60,1	0,2
ҚҚ АССР	56,6	2,1
Хоразм	54,1	3,0
Жиззах	36,3	—
Бухоро	32,8	—
Республика бўйича:	68,3	1,4

ШВЕЦИЯДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КУНЛАРИ

Совет Иттифоқининг Европадаги қатор мамлакатлар билан маданий ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланмоқда. Шу йил 14 октябрда Швецияда Совет Иттифоқи кунлари бошланади. Унда Ўзбекистон ССР ютуқлари асосида мамлакатимиз қиёфаси кўз-кўз қилинади. Республикамиз экономика ва маданиятни ривожлантиришда қўлга киритган муваффақиятлар совет халқининг коммунизм қурилиши йўлидаги беқиёс зафарларини намойиш қилади. Шу муносабат билан Швецияга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати З. И. Есенбоев бошчилигидаги делегация жўнаб кетди. Сафар олдидан делегация бошлиғи мухбиримизнинг бир неча саволларига жавоб қайтарди.

— Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг «Швеция — Совет Иттифоқи» жамиятлари иттифоқи билан алоқаларини сўзлаб берсангиз?

— Ўтган йили «Швеция — Совет Иттифоқи» жамиятлари иттифоқининг шу жамият президенти профессор Гуннар Инге ва Бош секретари Эва Пальмер раҳбарлигидаги делегацияси Ўзбекистонда бўлган эди. Ўша визит чоғида 1975 йил октябрь ойида Швецияда ўтказиладиган Совет Иттифоқи маданияти кунларида Ўзбекистон ССРнинг иштироки масаласи ҳам ҳал этилган эди. Бунгача Совет Болтиқбўйи республикалари ва Қозоғистон ССР иштирокида СССР маданияти кунлари бўлиб ўтган эди.

— Бу йилги маданият кунларининг ўтказилиш тартиби қандай?

— Совет Иттифоқи маданияти кунларининг асосий тадбирлари Швециянинг жанубидаги Мальмё, Хельсинборг ва Карлстад шаҳарларида ўтказилиши мўлжаллангани. Шу йил баҳорда мазкур шаҳарлар муниципалитетларининг вакиллари Тошкентда бўлиб, бўлажак кўргазманинг жойлашиш тартиби. Ўзбекистон санъат усталари қаерларда ўз томошаларини кўрсатишларини биргаликда ҳал этишди. Швециядан Ўзбекистонга жамият Бош секретарининг ўринбосари жаноб Свен Сторк раҳбарлигида келган навбатдаги делегация билан олиб борилган музокараларда Стокгольм ва Гетеборг шаҳарларида ҳам маданият кунлари тадбирлари ўтказилиши келишиб олинган.

— Республикамиз санъати, маданияти, ютуқлари қай тариқа намойиш этилади?

— Швецияга Ўзбекистон халқ амалий санъати кўргазмаси юборилди. Кўргазмада тарихий экспонатлар, каштачилик, гиламчилик, кулолчилик, металлга ўйиб ёзиш, музика асбоблари, ўймакорлик намуналари кўрсатилади. Шунингдек, графика, болалар чизган суратлар, «оқ олтин» ўлкасининг ранг-баранг ҳаётини ҳикоя қилувчи китоб ва суратлар намойиш қилинади.

Ҳужжатли, мультипликацион телевизион фильмлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ҳақидаги реклама ва справка берувчи материаллар, «Совет Ўзбекистони бугун» бюллетени республикамиз билан муфассал танишишда швед дўстларимизга ёрдам бериши турган гап.

Совет Иттифоқи маданият кунларида республикамиз жамоатчилиги вакиллари, шу жумладан давлат арбоблари, таниқли олимлар, рассомлар, санъат арбоблари, Ўзбекистон дўстлик жамиятининг активистлари қатнашадилар. СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги «Баҳор» халқ рақс ансамблининг 30 кишилик труппаси маданият кунлари томошабинларга ўз санъатини намойиш қилади. Шунингдек, республикамиз киностудиялари ишлаб чиқарган «Абу Райҳон Беруний» «Ўтган кунлар», «Улуғбек юлдузи», «Севишганлар» фильмлари намойиш этилади.

Швецияда ўтадиган Совет Иттифоқи маданияти кунлари ҳар икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

МАРРАГА ЕТДИК

Колхозимиз пахтакорлари партия XXV съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, она-Ватанга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бериш иштиёқида фидокорона меҳнат қилдилар. Ёзнинг иссиқ келиши, сув танқислиги мардонавор енгилди. 1300 гектар ернинг ҳар гектаридан 27,4 ўрнига 28,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга 4 минг тонна сифатли пахта топширилди.

Э. Қурбонбоев, М. Идрисов, А. Умаров бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 32—35 центнердан уруғлик пахта топширдилар. Хўжалигимизда асосан уруғлик пахта етиштирилганидан биринчи терим қўлда ўтказилди. Давлатга 1850 ўрнига 2000 тонна уруғлик пахта топширилди.

Иккинчи терим «пўлат этак»ларда терилди. М. Бекмонов, Ж. Файзиев, А. Абдураҳмонов каби механизаторлар йигирма кунда 80—90 тоннадан пахта териб хирмонга барака киритдилар. 2000 тоннадан ортиқ пахта машинада терилди.

План тўлди. Навбат — мажбуриятга. 5 миллион 200 минг тонналик улкан хирмонга хўжалигимиз пахтакорлари 5200 тонна ҳосил билан ҳисса қўшишга аҳд қилдилар. Бу эса ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш демакдир.

Юсуф ТОЛИПОВ.
Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози раиси.

Наш ударный труд — XXV съезду КПСС

Тошкент метросининг «Чилонзор» станцияси бунёдкорлари КПСС Марказий Комитетининг Октябрь ойдаги Чақириқларидан руҳланган ҳолда [illegible] боришмоқда. Суратда: арматурачилар Р. Олимжонов ва С. Досмонов, бригадир Ю. Аминин (ўртада). Улар навбатдаги ишларни маслаҳатлашмоқдалар.

В. Сиротинин фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ! ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ МУҚАРРАР ТУС ОЛИШИ УЧУН КУРАШИНГИЗ, ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ ПРИНЦИПЛАРИНИ ТУРЛИ СОЦИАЛ ТУЗУМГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР НОРМАСИГА АЙЛАНТИРИЛИШИГА ЭРИШИНГИЗ! ХАЛҚЛАР ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ДУШМАНЛАРИ БЎЛГАН АГРЕССИЯ, РЕВАНШИЗМ ВА РЕАКЦИЯ КУЧЛАРИНИНГ КИРДИКОРЛАРИНИ ФОШ ҚИЛИНГИЗ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◎ **ГАВАНА.** Куба билан Чехословакия 1976-1980 йилларда қурилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битимни имзолади. Бу битим техникага доир ҳужжатларни айрбошлашни ва қурилишнинг турли соҳалари учун кубалик мутахассислар тайёрлашни кўзда тутади.

◎ **ПХЕНЬЯН.** Бу ердаги халқ маданият саройида Корея Меҳнат партиясининг 30 йиллигига бағишланган фотовыставка тантанали вазиятда очилди. Виставкада Корея Меҳнат партияси босиб ўтган йўлни кўрсатувчи ва Японияга қарши қуролли кураш йилларини акс эттирувчи 500 дан ортиқ фотосурат намойиш қилинмоқда. Фотосуратлар корейс халқининг ўтган 30 йил мобайнида Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида янги ҳаёт қурилишида эришган буюк муваффақиятларини ҳикоя қилади.

◎ **ВЕНА.** Бу ерда Марказий Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокаралар қатнашчиларининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлди.

◎ **БРАЗИЛИА.** Бразилия пойтахтининг экранларида Советлар мамлакатининг машҳур балети ҳақида, хореографларнинг ажойиб мактаби ҳақида, санъатнинг шу тури соҳасидаги моҳир усталар ўрнига тайёрланаётган талантли ёш авлод тўғрисида ҳикоя қилувчи совет фильмлари кўрсатила бошланди. «Рақс ҳақидаги қисса», «Балет мактабида» фильмлари ва бошқа совет фильмлари бразилиялик томошабинларга жуда манзур бўлмоқда. (ТАСС).

АНТИСОВЕТИЗМ УЧУН МУКОФОТ

ПАРИЖ. 10 октябрь. (ТАСС). Норвегия Нобель мукофоти комитети А. Сахаровга шу мукофотни беришга қарор қилганлиги «сиёсий қадам эканлиги шубҳасиз, бу қадам Советларга қарши кампанияни кучайтириш ва халқаро кескинликни юмшатиш жараёнига халақит бериш йўлидаги ошкора уринишдан бошқа нарса эмас», деб ёзади «Юманите» газетаси.

Сахаров 70-йилларда ўзининг кўпчилик илмий тадқиқотларини давом эттиришдан ўз ихтиёри билан воз кечиб, деб таъкидлайди газета, ўзини Совет тузумига қарши «манифестлар» ёзиш ва тарқатишга бағишлади.

1973 йилда у ўзининг ўта реакцион қарашлари билан танилган Америка сенатори Жексонни қўллаб-қувватлади ва Америка конгрессига мурожаат қилиб, Совет-Америка савдосидаги камситувчи қоидалар бекор қилиниши учун сиёсий шартлар қўядиган қонун қабул қилишга чақирди. Диктатор Пиночет Чилида кенг миқёсда репрессия кампаниясини бошлаган ва ўн минглаpча кишилар шу кампаниянинг қурбони бўлган йилда у ана шу диктаторни қўллаб-қувватлади. Сахаров кескинликнинг юмшатилишига қарши чиқиб, «Ғарб матбуоти ва Ғарб ҳукуматларига неча марталаб мурожаат қилди, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни юмшатиш «хатарли» эканлиги тўғрисида гапирди», — деб таъкидлайди газета.

ВЕНА, 10 октябрь. (ТАСС). Австриядаги «Фольксштимме» газетаси «Кескинликни юмшатиш душмани Сахаровнинг тинчликка қандай алоқаси бор!» — деган ҳақли саволни бермоқда.

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ! ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН САБОТ БИЛАН КУРАШИНГИЗ, ХЎЖАЛИКЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИНГИЗ! ЕР, ТЕХНИКАДАН, МЕҲНАТ ВА МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Республикамиз меҳнаткашлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунини қандай совғалар билан кутиб олганликлари ва уларнинг галдаги вазифаларини Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. УРКИНБОЕВ шарҳлайди.

— Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш республикамиз меҳнаткашлари, хусусан пахтакорларда яхши анъанага айланди. Бу йилги байрам КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, партия XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса пахта етиштиришни кўпайтириш билан нишонланмоқда. Унумдор далаларимизда пахта, шоли, сабзавот ва картошка, чорва моллари учун озуқа ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш қизғин давом эттирилмоқда.

Байрам арафасида республикамиз меҳнаткашлари катта зафар қучдилар, пахта тайёрлаш беш йиллик плани шараф билан бажарилди. Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Бухоро областлари ҳам шундай меҳнат ғалабасига эришди. Хоразм области пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик планни бажариш арафасида турибди.

ЮТУҚЛАР ВА РЕЖАЛАР

Ҳисоб-китобларга қараганда тўққизинчи беш йилликда республикамиз бўйича 25 миллион тоннага яқин пахта тайёрланади. Бу, планда кўзда тутилганидан 2 ярим миллион тонна, саккизинчи беш йилликдагига нисбатан 4 миллион тонна кўп демакдир. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳар йилида ҳосилдорлик муттасил ошириб борилгани ҳолда ундан олдинги беш йилликнинг ҳар йилидагидан 800 минг тонна кўп пахта тайёрланди. 1970 йилда республика бўйича ҳар гектар ердан 26,2 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1974 йилда ҳосилдорлик 30,8 центнерга етди, бу йил 31 центнердан хирмон кўтариш кўзда тутилмоқда.

Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш пахта етиштириш технологиясига жиддий ўзгаришлар киритди. Кенг қаторлаб чигит экиш кучайтириляпти, катта майдонларга туксизлантирилган уруғ экиляпти, бир миллион гектардан ортиқ ерга уруғ қадаш билан бир вақтда гербицидлар сепилди, ерни икки ярусли плугда ҳайдаш, чеканкани механизмлар воситасида ўтказиш кенг қўлланяпти.

Ўсимликлар сонини кўпайтириш ҳам янги методлардан биридир. Шу йўл билан кўпчилик колхозлар ва совхозларда пахтадан юқори ҳосил олиняпти. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва химизациялаш қўл меҳнати сарфлашни камайтиряпти. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ернинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланиш, алмашлаб экишни кенг жорий қилиш, тупроқ эррозиясига қарши курашни кучайтириш тадбирлари амалга ошириляпти. Тўққизинчи беш йиллик давомида давлат капитал маблағлари сарфлаш йўли билан 383,3 минг гектар янги ер ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, 553,8 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даврида колхозлар ва совхозлар 81 минг трактор, 21 минг пахта териш машинаси, 71 мингдан кўпроқ трактор прицепи, деярли 20 минг автомобиль олди.

Пахта етиштиришнинг деярли ҳамма жараёни механизациялаштирилди. Машина терими ҳажми 1970 йилдагига нисбатан 1,7 марта кўпайди, ялпи ҳосилнинг ярмидан кўпроғи машиналарда териб олинмоқда. Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларининг хўжаликлари, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Боёвут, Оқолтин, Задарё, Иштихон, Гагарин районлари ҳар йили ялпи ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғини машиналарда териб олмоқда. Республикамизнинг ҳамма хўжаликларида механизациянинг Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Маннон Жалолов, Аҳмаджон Валиев, Жиянкул Рустамов, Шоймардон Қудратов каби дарғалари етишиб чиқди.

Тўққизинчи беш йилликда об-ҳаво қийинчиликларига қарамай республикамиз ғаллакорлари давлатга 2,2 миллион тоннадан ортиқ дон сотдилар, бу асосий планда кўзда тутилганидан 500 минг тонна кўп. Беруний, Хўжайли, Ленин, Хўжаобод, Шаҳрисабз, Нишон, Тўрақўрғон, Қуйи Чирчиқ, Ўзбекистон ва Гурлан районларида маккажўхоридан айниқса юқори ҳосил етиштирилмоқда.

Кўпчилик маккажўхорикорлик бригадалари рекорд ҳосил етиштиряпти. Сариосиё районидан Ўлмасхон Ёрова, Олтиариқдан Умар Шоюсупов, Яккабоғдан Ўлмас Тўраев, Шаҳрисабздан Аҳмад Очилов, Беҳи Содиқова, Андижондан Сотволди Турғунов, Қаршидан Зоир Эргашев, Ховосдан Қурбон Шоюсупов, Жалолқудуқ районидан Шокир Деҳқоновлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 100 центнердан ошириб юборилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шоликорларимиз ҳам экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш йўли билан шоли тайёрлашни кўпайтиришда катта меҳнат ғалабаларига эришмоқдалар. Шу кунларда шоли ўрими, давлатга шоли топшириш қизғин олиб борилмоқда.

Республикамизда чорвачилик шаҳдам ривожлантирилмоқда. Қорамоллар сони 1970 йилдагига нисбатан 110,2 минг бош, сигирлар сони 12 минг бош, майда моллар 740,3 минг бош, чўчқалар 70,3 минг бош, паррандалар сони 6,8 миллион дона кўпайтирилди.

Чорва молларнинг маҳсулдорлиги мунтазам оширилмоқда. 1970 йилдагига нисбатан гўшт етиштириш 43,7 минг тонна ёки 30,3 процент, сут 148,4 минг тонна ёки 48,4 процент, тухум 76,7 процент кўпайтирилгани қувончли ҳолдир. Фарғона, Наманган, Тошкент областлари ҳозир давлатга фақат биринчи сорт сут топширмоқда.

Ихтисослаштириш ва марказлаштириш, чорвачиликни саноат асосига кўчириш маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, рентабелликни оширишда катта роль ўйнамоқда. Бу муҳим тадбирнинг муваффақиятли ҳал этилиши республикамизда гўшт етиштиришни 2,2 марта, сутни 2,9 марта, тухумни 3,4 марта кўпайтириш имкониятини бермоқда.

Пиллакорларимиз ғайрат билан ишламоқдалар. Улар беш йилликда пилла тайёрлаш планларини 111,1 процент адо этиб, пландан ташқари 11 минг тоннадан кўпроқ «кумуш тола» сотдилар.

Республикамизда сабзавот, мева, полиз, узум етиштириш тобора ортмоқда. Бу маҳсулотларни йиғиб-териб олиш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Ҳозирдаёқ ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 16 минг тонна кўп сабзавот, 73 минг тонна зиёд полиз, 61 минг тонна кўп мева тайёрланди.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги учун ўқимишли, малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда.

Шу йилнинг ўзидагина 100 минг механизатор тайёрлаш кўзда тутилмоқда, шундан 70 минг киши ҳозирдаёқ ўқишни тамомлаб чиқди.

Капитал қурилишга катта маблағ сарфланмоқда. Беш йиллик охиригача 1856,4 миллион сўм, шу жумладан қурилиш-монтаж ишларига 1256,2 миллион сўм капитал маблағлар сарфланади. Бу қишлоқ хўжалигимиз янги паррандачилик фермалари, чорвачилик комплекслари, турар жой бинолари ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш, маданий-маиший бинолар олади демакдир.

Кейинги йилларда колхозларимиз ва совхозларимизда болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш борасида катта ишлар қилинди. Республикада мактабгача тарбия тармоқлари 4 мартадан зиёд, уларда тарбияланаётган болалар сони эса 6 мартадан кўпроқ ортди.

Қишлоқ меҳнатчилари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1975 йилда она-Ватанга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришдек интернационал бурчини шараф билан адо этмоқдалар. Ҳозир бутун куч мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва пахтачиликда бултурги шуҳратни такрорлашга қаратилмоқда. Кўпчилик районлар, областлар тобора марра сари яқинлашмоқдалар. Ғалаба рапортига имзо чекаётган колхозлар, совхозлар, районлар сони кун сайин ортмоқда. Муҳим вазифа — партия ташкилотлари атрофига янада маҳкамроқ жипслашиб, юксак социалистик мажбуриятни тезроқ шараф билан бажаришдан иборат. Бу, партиямиз XXV съездига муносиб совғамиз бўлади.



Мирзачўл районидаги Рокоссовский номли совхоз 4540 гектар майдондан 6000 тонна «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган. Катта майдонларда етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олиш планлаштирилган. «Зангори кема»лар хирмонга барака киритяпти. Ҳар куни хўжалик йиллиқ планнинг 6-7 проценти миқдорида пахта тайёрлаётир. Суратда: совхознинг илғор механизатори Абдулла Аҳмедов.

Ж. Тўраев фотоси.

СОҲИБКОРЛАР ТУҲФАСИ

САМАРҚАНД. Область соҳибкорлари КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, боғларда мисли кўрилмаган юқори ҳосил етиштирдилар. Пастдарғом, Иштихон районларидаги ихтисослаштирилган узумчилик совхозлари, Самарқанд районидаги Энгельс номли колхозда айниқса узум мўл бўлди. «Пастдарғом» совхози ҳар гектар ердан 200 центнердан ошириб узум олди.

Натижада область узум сотиш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажарди. Халқ хўжалик планидаги 68410 тонна ўрнига 70175 тонна узум етказиб берилди.

Республикада энг кўп узум ва майиз етиштирадиган Самарқанд области давлатга узум сотишни қизғин давом эттирмоқда.

* * *

Хоразм областининг боғбонлари КПСС XXV съездини муносиб туҳфа тайёрлаш билан кутиб олиш учун курашиб, қувончли ютуқни қўлга киритдилар. Эл дастурхонига 1600 тонна ўрнига 1900 тонна узум етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 900 тонна кўпдир.

Область полизчилари ҳам якунловчи йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга 25 минг тоннадан кўпроқ Хоразм қовун-тарвузи топширилди. Ширин-шакар совға маҳсулотлар мамлакатнинг марказий шаҳарларига жўнатилди, соҳибкор-полизчиларга ҳамма раҳмат айтмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

НОРИН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Район меҳнаткашлари партиямизнинг навбатдаги XXV съездини муносиб кутиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Пахта сотиш бўйича тўққизинчи беш йиллик халқ хўжалик плани муваффақиятли бажарилди. Қабул пунктларига 171 минг 535 тонна ўрнига 173 минг тоннага яқин пахта топширилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ҳам муваффақиятли якунламоқдалар. Районда давлатга дон сотиш плани 750 процент бажарилди. Шунингдек, планга қўшимча равишда 1439 тонна сабзавот, 91 тонна полиз маҳсулоти, 475 тонна мева, 155 тонна узум, 79 тонна пилла сотилди.

Жамоат чорвачилиги жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Беш йиллик мобайнида район чорвадорлари пландагидан 3153 тонна кўп, жами 11720 тонна сут етиштирдилар. Давлатга гўшт сотиш плани 101, тухум 129, жун 102 процент бажарилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

БАЙРАМГА СОВҒА

Колхозимиз правлениеси ва партия комитети беш йилликнинг дастлабки йилидан бошлаб чорвачиликни ривожлантириш учун кескин чоралар кўрди. Бу тармоқ тажрибали ва билимдон мутахассислар, ўз ишига меҳр қўйган кишилар билан мустаҳкамланди. Озуқа экинлари экиш ва ундан пландаги ҳосил олинишига эришиш қатъий қилиб қўйилди. Хўжалигимизда алмашлаб экиш системаси жорий этилганлиги озуқа базасини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Беда майдони 45 гектардан 290 гектарга, маккажўхори майдони эса 84 гектарга кенгайтирилди.

Ферма бинолари қуриш, мавжудларини замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш ишлари кучайтирилди. Ҳозир озуқа тайёрлаш ва чорва молларни суғориш ишлари тўла механизациялаштирилган.

Амалга оширилган бу тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Урғочи чорва моллардан насл ва маҳсулот олиш кескин кўпайди. Беш йилликнинг биринчи йилида ҳар бош сигирдан 840 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1800 килограммни ташкил этди. Бу йилги маррамиз эса 2 минг килограмм. Мавлуда Низомова, Жамила Келдиевалар ўзларига бириктилган ҳар бош сигирдан 2200-2300 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятларини олишган. Мен эса ўзимга бириктилган 20 бош сигирнинг ҳар бошидан 2600 килограммдан маҳсулот олишга аҳд қилганман.

Чорва моллардан насл олиш топшириқлари муваффақиятли уддаланди. Ҳар 100 совлиқ ҳисобига 127 бошдан қўзи олдик. Бузоқ олиш топшириғи ҳам орттириб ўринланди. Бу соҳада эришилган зафарга чўпонлардан Ҳасан Ўролбеков, Тўхта Энамбоевлар баракали ҳисса қўшишди.

Қишловга катта ҳозирлик кўряпмиз. 2600 тонна силос, 1700 тонна сенаж ва 2320 тонна дағал хашак жамғариб, бу борадаги социалистик мажбуриятларимизни адо этиб, қишлоқ хўжалик ходимлари кунига муносиб тўёна тайёрладик.

Зулфия УМАРОВА,
Уйчи районидаги Тельман номли колхоз сут соғувчиси.

МЕХАНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

Совхозимиз пахтакорлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари куни арафасида катта зафар қучдилар, она-Ватанга салкам 15 минг тонна пахта топшириб, йиллик планни муддатидан илгари бажардилар.

Йил пахтачилик учун анча ноқулай келди. Шунга қарамай ҳалол меҳнат билан юқори ҳосил етиштирдик. Машиналар ҳар қадамда деҳқонларимизга мададкор бўлди. Йиғим-теримда айниқса «зангори кема»ларнинг ҳикматини яққол сездик. Тайёрланган ялпи пахтанинг деярли 6 минг тоннасини азамат механизаторларимиз териб бердилар.

Бу йил ҳосилдорлик ўтган йилдагидан анча кўтарилди, гектаридан олган ҳосилимиз 30 центнерга етди. Лекин бу чегара эмас. Ҳар гектар ердан яна 6 центнердан «оқ олтин» териб олиб, умумий кўрсаткични 18 минг тоннага етказамиз.

План жуда қисқа вақтда ўринланди. Ҳ. Ғафуров, Т. Аминжонов, А. Фармонов, О. Аҳмедов, А. Аҳмедовлар бошқарувчилик қилаётган бўлимларда халқ хўжалик планлари муддатидан илгари бажарилибгина қолмасдан ҳосилдорлик ҳам кўтарилди, сорт яхшиланди, таннарх арзонлаштирилди. 57 пахтачилик бригадасидан ҳозирдаёқ 40 таси ғалаба рапортига имзо чекди.

Улкан «оқ олтин» хирмонига қут-барака киритаётган моҳир механизаторларимизнинг номини фахр билан тилга оламиз. Иномжон Пигиталиев, Мелибой Эшонқулов, Низомиддин Маҳмудов, Мирзабой Ҳайдаров, Матхолиқ Облонов, Қурбонали Эгамов, Аҳмадали Маҳмудов, Абдурайим Каримов каби механизаторларимизнинг ҳар бири мавсум бошидан буён 150-180 тоннадан «оқ олтин» терди.

Совхозимиз коллективи эришилган ютуқни мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратлари, техника воситаларини сафарбар этмоқдалар. Биз кун тартибига бош масала қилиб суръатни сира бўшаштирмасликни қўйдик. Чунки мамлакатимиз енгил саноати, тўқимачилик корхоналарининг ишчилари биздан фақат биринчи нав, толаси пишиқ, ипи чидамли, ҳушбичим газламалар тўқиладиган пахта кутяпти.

Шу кунларда машиналарни айниқса унумли ишлатяпмиз. Механизаторлар мусобақасини кучайтиряпмиз. Ҳосил чўғи, нечанчи марта машина терими ўтказилганига қараб механизаторларнинг кунлик нормаларини ҳам ўзгартирдик, графикни муттасил ошириб бажараётган механизаторларни рағбатлантирмоқдамиз. Мусобақа якуни ҳар беш кунлик охирида чиқариляпти, бригадалар, бўлимлар каби группа усулида ишлаётган механизаторларга ҳам кўчма вимпеллар, пул мукофотлари беряпмиз.

Пахта нобудгарчилигига қарши курашни авж олдиряпмиз. Халқимиз ҳалол меҳнат билан юқори ҳосил етиштирди, унинг катта қисмини ғоза териб, планни бажардик, юзимиз ёруғ бўлди. Эндиги вазифа қолган ҳосилни ҳам охирги граммигача тезда саранжом-саришталаб олишдан иборатдир. Коммунистларимиз, партиясиз активларимиз бу умумхалқ курашида байроқдор бўлмоқдалар.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, совхозимиз давлатга дон сотиш планини 107,2 процент, сабзавотни 100 процент, полиз маҳсулотларини 119 процент, мева топшириш планини икки ярим баравар ортиғи билан адо этди.

КПСС XXV съезди шарафига давом этаётган мусобақани кучайтириб, ҳосилнинг ҳаммасини тез кунларда йиғиб-териб оламиз, келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратамиз.

И. МЕЛИЕВ,
Киров районидаги Октябрь революцияси орденли «Бешариқ» совхози директори.
Х. УСМОНОВ,
партия комитети секретари.
А. УСМОНОВ,
ишчилар комитети раиси.
Х. ҒАНИЕВ,
комсомол комитети секретари.

ХОРАЗМДА БИРИНЧИ

АҲДГА ВАФО

Колхозимиз аъзолари КПСС XXV съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Айниқса олий ҳиммат пахтакорларимизнинг меҳнат зафарлари қувончлидир.

Хўжалигимизнинг «оқ олтин» карвони областда биринчи бўлиб маррага етди. Эл хазинасига 6130 тонна дурдона етказиб берилиб, пахта тайёрлаш плани адо этилди. Асосий майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 36 центнердан хирмон кўтарилди, янги очилган 200 гектар майдоннинг саховати ҳам чакки бўлмади.

Биз планга қўшимча равишда яна 2370 тонна «оқ олтин» топшириш ва ялпи ҳосилни 8500 тоннага етказиш мажбуриятини олдик. Бу ўтган йилдагидан 400 тонна кўпдир.

Шу факт қувончлики, колхозимиз пахта етиштириш бўйича беш йиллик планни тўрт йилда бажарган эди. Ўтган тўрт йил мобайнида мамлакатга 29300 тоннадан кўпроқ пахта армуғон қилинди.

Пахта тайёрлашда областда карвонбоши бўлаётганлигимиз бежиз эмас. Қудратли техника қанот бўлаётганлиги туфайли жадал суръат таъминланмоқда. Ҳозиргача 2000 тонна пахта «зангори кема» билан йиғиб олинди. Бу ҳар бир машинага 110 тоннадан тўғри келади.

Дала гвардиячиларидан Ҳасан Рўзиматов, Жуманазар Марҳаматов, Фароғат Машарипова, Зулфия Исмоилова, Саломат Машарипова, Олмахон Оллоева кабилар «пўлат этак»дан 150-180 тоннадан дурдона тўкдилар.

Ҳали далалардаги пахта худди терилмагандек. Биз колхоз бўйича ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказишни мўлжалламоқдамиз. Бу реал режадир. Чунки, пешқадам бригадалар ҳозироқ 50 центнерлик маррага яқинлашиб қолишди. Исмоил Шарипов бошлиқ 60 центнерлик бригада шу кунгача ҳар гектаридан 48 центнердан, Дўстжон Эшжонов, Саъдулла Мадаминов бошлиқ бригадалар 45 центнердан хирмон кўтардилар.

Биз суръатни кучайтириш билан бирга йиғим-терим сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ивановолик тўқимачилар вакиллари яқинда колхозимизга келиб пахтамизга юқори баҳо бердилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги пахтакорлар ғайратига ғайрат қўшяпти. Бу йил колхознинг умумий даромади 5 миллион сўмдан ошиб кетади. Дастлабки ҳисоб-китобга кўра қатъий пландан ташқари сотилган пахтанинг харид нархи 50 процент оширилганлиги туфайли камида 500 минг сўм қўшимча даромад оламиз.

Колхозимиз азаматлари беш йилликнинг якунловчи йилида олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариб, юксак ваъдаларига вафо қиладилар. Бу партиямизнинг XXV съездига муносиб совғамиз бўлади.

А. ЮСУПОВ,
Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

ҲАМ ДОН, ҲАМ ОЗУҚА

Бу йил бригадамиз 128 гектар ерда маккажўхори ўстирди. Ҳамма майдонга беда аралаштириб, алмашлаб экиш асосида уруғ экилиши туфайли дастлабки парваришни эҳтиёткорлик билан ўтказдик. Бегона ўтлар илдизи билан юлиб ташланди. Ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 55 минг туп ўсимлик бўлиши таъминланди. Шу билан бирга беда ҳам белгиланган қалинликда ундирилди. Сифатли парвариш қилинган барча майдондаги маккажўхори нормал ўсди, серҳосил бўлиб етилди.

Август ойида асосий майдондаги ҳосилни йиғиштириб олдик. Ҳар гектаридан пландаги 60 центнер ўрнига 81 центнердан маккажўхори дони етиштирдик. Давлатга дон сотиш планини икки баравар қилиб бажардик. Келгуси йили экиш учун уруғлик фондини тўла жамғардик. 300 тоннадан кўпроқ ем фонди ажратиб қўйдик.

Бригадамиз келгуси йили 150 гектар ерга маккажўхори экишни планлаштирди. Бу ҳам асосан алмашлаб экиш схемаси бўйича беда аралаш бўлади.

Кейинги йилларда эски бедазорларда силос учун маккажўхори экишни амалга оширмоқдамиз. Бунда эски беда икки марта ўриб олиниб, гектаридан 80 центнердан беда пичани жамғарилиб, сўнг ўрнига маккажўхори экилади. 1975 йили ҳам худди шундай усул амалга оширилди. Эски бедазорлардан 105 гектари ҳайдалиб маккажўхори экилганда яхши ривожланди. Ундан силос бостиришга киришдик. Колхозимиз маккажўхорикорлари 5 минг тонна силос ва 2436 тонна сенаж бостириш планларини камида бир ярим баравар қилиб бажариш учун курашмоқда.

Хаитбой САМАДОВ,
Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхози маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи.

Жиззах области. Фориш районидаги «Чимқўрғон» совхози чорвадорлари ҳар юз совлиқдан 115 тадан қўзи олиб катта муваффақиятга эришдилар. Улар айни кунларда қишловга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Суратда: чўпон К. Татибоев. У ҳар юз совлиқдан 143 тадан қўзи олди.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

АМУ ШОЛИСИ

Совхозимиз шоликорлари шоли етиштириш тўрт йиллик планини ошириб адо этдилар. Пландаги 34700 тонна ўрнига 41 минг 800 тонна шоли етиштирилди. 1971 йили ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1974 йилда 4300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,4 центнердан ҳосил кўтарилиб, 16 минг 516 тонна шоли тайёрланди.

Ким Константин, Жумаш Бердимуродов бошлиқ бўлимларда шоли ўриш-янчиш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Бўлимлар ҳар гектар майдондан камида 55 центнердан ҳосил кўтаради. Хўжалик ҳисобида ишлаётган Тен Ен Хван бошлиқ бригада 330 гектар, Цой Николай бошлиқ бригада 300 гектар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қорақалпоғистон Олий Совети депутати Кан Алексей бригадаси шоликорлари 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40-45 центнердан ҳосил кўтариб, шоли тайёрлаш планларини ошириб адо этдилар.

Совхоздаги 81 комбайн бир ярим-икки сменада ишлаб турибди. Василий Андрюшенко, Пётр Сон, Қурбонназар Жуманазаров, Борис Цой, Виктор Сомарин, Кецимжон Камолов, Юрий Цой каби ўнлаб комбайнчилар мавсумда 650-750 тоннадан шоли янчиб бериш мажбуриятини олганлар.

Шоликорларнинг моддий фаровонлиги юксалиб бормоқда. 1971 йилда пландаги 23 минг сўм ўрнига 175 минг сўм, 1974 йилда 275 минг сўм ўрнига 649 минг сўм соф фойда олдик. Бу йил камида 1 миллион сўм соф фойда олишни мўлжалламоқдамиз.

Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 4 минг 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 36 центнер ўрнига 45 центнердан шоли етиштириб, умумий ҳосилдорликни 20 минг тоннага етказиш, шундан 18 минг тоннасини давлатга сотиш мажбуриятини олганмиз.

Оролбой ОТАМУРОДОВ,
Қорақалпоғистон АССР, Нукус районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» ихтисослаштирилган шоличилик совхози директори.

НАМАНГАН. Поп районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишган. Заршунослар шу кеча-кундузда терим суръатини тобора қизитиб юбордилар. Уларнинг дам олиши ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. Дала шийпонларида иссиқ овқат ташкил этилган ҳамда агитаторлар уларни газеталарда босилган янгидан-янги хабарлар билан таништириб туришади. Суратда: агитатор Раҳимжон Ёқубов колхознинг Ҳусниддин Сайфиддинов бошлиқ бригадаси аъзоларини янгиликлар билан таништираётир.

Ж. Тўраев фотоси.

ХОККЕЙ

«БИНОКОР»—МАЙДОНДА

Иккинчи лига хоккей командалари ўртасида ҳам мамлакат XXX чемпионатига старт берилди. Мазкур коллективлар орасида бир неча йилдан бери куч синашиб келаётган Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари ҳам дастлабки учрашувни ўтказдилар.

Бинокорчилар бу йилги мавсумга ҳозирлик кўришни жуда эрта бошлаган эди. Хоккейчиларимиз июль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб машқларга зўр бердилар. Умумжисмоний ҳамда учрашувларда куч синашишга алоҳида эътибор қилинди. Жумладан, командамиз аввал Минск, кейин Челябинск шаҳарларида қатор ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, росмана шайба суришда ўз маҳоратларини синаб кўрдилар.

Мазкур лига вакилларининг «Тошкент турнири» номини олган баҳслари мавсумга тайёргарликнинг муҳим босқичларидан бўлиб қолди. Бинокорчилар марказий «Юбилей» спорт саройида Орскнинг «Южный Урал», Березникининг «Титан», Юқори Салданинг «Старт» коллективлари билан куч синашувда имкониятлардан тўлиқ фойдаланишди ва 12 очко жамғариб, муҳлисларни беҳад мамнун этдилар. Бинокорчилар составида ҳам бирмунча ўзгаришлар бор. Команданинг ҳимоя ва ҳужум чизиғи янги ўйинчилар ҳисобига мустаҳкамланди. Хоккейчиларимизга бу йил ҳам катта тренер Виктор Столяров устозлик қилади.

«Бинокор» октябрь ойида қуйидаги учрашувларни ўтказади. Кеча командамиз Темиртов шаҳрида «Строитель» хоккейчилари меҳмони бўлди. Бугун эса ана шу команда билан такрорий ўйин ўтказилади. 16 ва 17-да Қарағандада «Строитель» командаси билан куч синашиб, 22 ва 23-да Тошкентда «Високогорец» (Қуйи Тагиль), 27, 28-да «Старт» (Юқори Салда) коллективларини қабул қилади.

ХОТИРА ДАФТАРИДАН

ОЙБЕК ФРОНТДА

1943 йил февраль ойининг бошлари... Шонли совет қўшинлари Сталинград атрофида қуршаб олинган гитлерчиларни тор-мор қилиб порлоқ ғалабага эришган кунлар. Биз бир группа ўзбек ҳарбий журналистлари хизмат қилаётган Воронеж фронти қўшинлари ҳам Курск ва Воронеж областининг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини озод қилиб, Харьков шаҳри атрофида душманга қарши жанг қилардилар.

Кечагина биз янги озод қилинган бир шаҳарга редакциямиз билан кўчиб келдик (Воронеж фронтида ўзбек тилида чиқадиган «Ватан шарафи учун» газетаси редакциясида ишлардик). Шаҳар вайрон қилинган, куйдирилган, гитлерчиларнинг қонхўрлигидан мудҳиш нишона бўлиб, ҳар жой-ҳар жойда дорлар қаққайиб турибди. Ўрмонларга қочган шаҳар аҳолиси бирин-кетин келиб хароба бўлган уй-жойларини салпал эпақага келтирмоқда.

Зарур иш билан фронт Сиёсий бошқармасига бораётибман. Қарасам, бир жойда ўн чоқли киши фашистлардан қолган дорни бузиб ташлаяпти. Улар ёнида қулоқчин телпагининг икки қулоғи осилиб елкасига тушган, эгнида қора мовут пальто, қўлида кичкина қора сумка. Ўрта бўйли, гавдаси йўғонроқ бир киши дорни бузаётган одамлар билан нималарнидир сўзлашиб турибди. Негадир бу кишининг товуши менга таниш туюлди. Қаердадир бу товушни эшитганман, кўп эшитганман... Секин юриб бориб, юзига термулиб қарасам... ёпирай, ўнгимми-тушим... Ойбек ака! Тошкентда бир неча йиллар бирга ишлаб юрганимиз, ўзимизнинг атоқли ёзувчимиз, олим, адибимиз ўша Мусо Тошмуҳаммедович Ойбек акамиз!

Қучоқлашиб кўришиб кетдик. Қарасам, унинг кўзларида ёш қалқиб турибди. Кўнгли тўлиб кетганидан ҳатто сўзлай олмас, энтикиб-энтикиб менга нуқул дорни кўрсатарди. У кишининг изтиробидан мен ҳам ҳаяжонланиб кетдим.

— Инсонлик қиёфасини бутунлай йўқотган қонхўр вахшийлар! — деб лаънатларди Ойбек ака, гитлерчиларни. — Инсоният тарихида вахшийлик, ғоротгарлик билан ном чиқарган Атилла, Чингизхон ҳам Гитлернинг йиртқичлиги олдида ип эшолмайди. Бу ифлос босқинчилар мана шу дорга қанчадан-қанча гуноҳсиз совет кишиларини осиб ўлдиришибди. Қонхўр жаллодлар! Йиртқич ҳайвонлар!

Биз икковимиз ўз она тилимизда сўзлашиб турганимизни кўрган ёнимиздаги маҳаллий кишилар ҳайрон бўлиб қарашиб туришарди.

Мен уларга Ойбек акани таништирдим.

Ишлаётганларга бош бўлиб, йўлйўриқ кўрсатиб турган узун бўйли, ўттиз беш ёшлар чамасидаги киши олдимизга келиб бизлар билан кўришгач, Ойбек акага қараб деди:

— Ўртоқ Ойбек, мен сиз билан ғойибона танишман, урушдан бурун МГУнинг филология факультетида, сўнгра аспирантурада ўқиганимда бизда СССР халқлари адабиёти ҳақида махсус дарс ўтиларди, шунда Ўрта Осиё ёзувчиларидан Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва бошқаларнинг номлари тез-тез тилга олинарди ва уларнинг асарларидан намуналар ўқиларди. Уруш бошлангач, шаҳар партия комитетининг топшириғи билан фронт орқасида қолиб ишлашга тўғри келди. Мана энди фашистлар ҳайдалгач, шаҳарни тартибга солаётирмиз.

— Чин қалбимдан табриклайман озод бўлган шаҳар меҳнаткашларини, — деди Ойбек муаллимнинг қўлини қисиб, — бутун ўзбек халқи номидан табриклайман!

Муаллим адибга ташаккур билдирди. Шундан кейин биз Ойбек ака билан редакцияга қараб йўл олдик. Редакция ходимларидан Фарҳод Муродов, Иброҳим Алиев Ойбек акани кўришлари билан худди узоқ сафардан қайтиб келган отаси ёки акасини кўргандек уни қучоқлаб олишди.

Дарров дастурхон ёзиб топгантутганимизни ўртага қўйдик, нон, печенье, балиқ консерва... Дастурхон теварагида анчагача гурунглашиб ўтирдик. Юртимизнинг ҳол-аҳволини сўрадик.

Бизнинг бу учрашувимиз ҳақида ҳурматли адибимиз «Фронт бўйлаб» деган кундалик дафтарида бундай деб ёзади: «Кичкина бир шаҳарчада синган, каллакланган, куйиб қовжираган ёғочлар, дўмбоқ-дўмбоқ қабрлар оралаб, қалбимдан қон томган ҳолда паришон борар эдим, тўсатдан Рустам Абдураҳмоновга учрасам борми! Ҳар икковимиз суюниб кетдик, бир-биримизга қучоқларимизни очиб кўришдик. У газета муҳаррири экан. Сўзларимиз тамом бўлмайди. Уч-тўрт кун редакцияда бирга бўлдим, тағин ёлғиз тентираб кетдим».

Суриштириб билсак, Ойбек ака Тошкентдан артистлар бригадаси билан Москвага келган экан, икки ойча бошқа фронт қисмларида бўлибди, жангчиларимиз билан суҳбатлашиб, уларга шеърлар ўқиб берибди ва улар ҳақида жўшқин шеърлар ёзибди. Сўнгра ёлғиз ўзи Москвадан рухсатнома олиб тўғри бизнинг фронтимизга келибди.

Биз, редакция ходимлари, маслаҳатлашиб, нима қилиб бўлса ҳамки азиз меҳмонимизни палов дамлаб зиёфат қилишга қарор қилдик. Ошни мис лаганга сузиб ўртага қўйдик, бир косадан қўшниларга ҳам улашдик. Ойбек ака ошни роса мақтаб-мақтаб еди.

Ўша куни мен Ойбек акани рус, татар, қозоқ редакцияси ходимлари билан таништирдим. Фронт рус газетасида ишлаётган ёзувчилардан Александр Безименский, Савва Голованский, Леонид Первомайский Ойбек билан таниш бўлиб чиқди. Улар роса мирикиб суҳбатлашдилар.

Учинчи куни Ойбек ака билан биз фронт Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-майор Сергей Савельевич Шатилов қабулида бўлдик. Генерал ўзбек адибини ҳурсандлик билан қабул қилди. Ўзбекистонда қилинаётган ишларни суриштирди. Ойбек ака Ўзбекистонда қолган ёш-қариялар ва айниқса аёллар фронтга ёрдам учун завод, фабрикаларда, колхоз, совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётганликлари ҳақида қисқача сўзлаб берди.

— Бизнинг фронтимизда ҳам, — деди генерал мамнуният билан, — руслар, украинлар, белоруслар ва бошқа қардош миллат жангчилари билан бир қаторда ўзбек жангчилари ҳам мардонавор жанг қилмоқдалар. Яқинда мен генерал К. Москаленко, генерал Ф. Харитонов қисмларида бўлдим, сўнгра генерал Соколовнинг отлиқ аскарлари қисмларида бўлдим. Улар Россошь, Острогожск, Кантемировка, Воронеж учун бўлган жангларда бошқа миллат жангчилари қатори кўпгина ўзбек жангчи ва офицерларининг ҳам номини айтдилар. Улардан энг яхши намуна кўрсатганларини биз орден ва медаллар билан мукофотлаш қарорига келдик.

Сиёсий бошқарма бошлиғи сўнг менга қараб деди:

— Мен айтган армия ва дивизия мукофот бўлимларидан ўша қаҳрамон ўзбек жангчиларини билиб, уларни газета саҳифаларида намуна қилиб кўрсатиш керак.

— Хўп бўлади, ўртоқ генерал!

Сўнг генерал Ойбек акадан сўради:

Хўш, Мусо Тошмуҳаммедович, энди нима қилмоқчисиз, қандай планларингиз бор?

Агар рухсат этсангиз, ўртоқ генерал, мен Воронеж, Курск, Белгород шаҳарларини бориб кўрсам, ундан кейин Харьков томонга ўтиб, жанг майдонидаги жангчилар билан суҳбатлашсам.

— Шинелсиз, қуролсиз жангчи жанг майдонида юрса қандоқ бўлар экан?! — деди кулиб генерал.— Яхшиси, сизни ўзбек редакциясидаги бўш ўринлардан бирига ишга тайинласак, масалан, ҳарбий мухбир қилиб. Ҳарбий кенгаш қарори билан сизга офицерлик унвони берамиз, ҳарбий кийим, қурол-аслаҳа берамиз, таъминотга ўтказамиз. Шундан кейин фронтнинг қайси томонига борсангиз, бемалол бора берасиз, ҳам газетага материал уюштирасиз, ҳам ўзингиз айтмоқчи, келгусидаги бадиий асар учун материал тўплайсиз.

— Мен жон деб қоламан, айтганларингизни бажараман, бажариш қўлимдан келади, — деди Ойбек ака генералнинг таклифига жавобан. — Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказкоми, шахсан ўртоқ Усмон Юсупов менга топшириқ берган: мен фронтларда кўрганбилганларимни бориб Ўзбекистон ишчилари ва колхозчиларига айтиб беришим керак, уларнинг янада фидокорона меҳнат қилиб фронтга кўпроқ ёрдам беришларига кўмаклашишим зарур.

Бир оз ўйлаб турган адибимиз илова қилди:

— Агар сиз Тошкент билан сўзлашиб, менинг бу ерда қолишимга уларни кўндирсангиз, мен албатта қоламан. Бу ерда фронт газетасида хизмат қилаётган бошқа шоир ва ёзувчилар ҳам бор экан. Бирга хизмат қилиб, жангчиларимизнинг жасоратлари ҳақида очерклар, шеърлар ёзиб, ўз бурчимизни бажарамиз.

Бир пас сукут қилиб тургандан кейин генерал Шатилов жиддий қиёфада деди:

— Йўқ, мен ўйлаб кўрдим, Ўзбекистон Марказкоми ҳақли, сизнинг у ерда, Ўзбекистонда кўпроқ фойдангиз тегади.

Сўнгра у адъютантини чақириб, Ойбекка махсус рухсатнома ёздириб, ўзи қўл қўйиб берди.

Биз редакцияга қайтиб келгач, Ойбек акадан илтимос қилиб шу озод қилинган шаҳар ҳақида бир шеър ёздириб олдик:

Озод бўлган шаҳарда
Байроғимиз порлар самода,
Бу қудратнинг, бахтнинг тимсоли.
Янграйди ҳур қўшиқ ҳавода,
Юракларнинг битди фарёди.
Кўтарилди эгилган бошлар,
Яна кирди кўзларга юлдуз,
Узоқ, оғир тундан қардошлар,
Чиқди, қучди ёркин ҳур кундуз.
Дорзор бўлган зўр майдонларда,
Ўйнар қувонч ва бахт шамоли.
Беланмайди энди қонларда
Она сочи, бобо соқоли.
Қизлар ҳусни энди қуёшда,
Баҳордаги чамандай кўркам.
Қонли қўл-ла ғижимлаб тошга
Отмас уни фашист муттаҳам,
Қочади ёв — оғзи, бурни қон,
Қутилолмас бизнинг найзадан!
Қадамини қирқамиз ҳар он,
Қорли саҳро уларга кафан.
Баҳодирлар, офарин ва шон!
Эй, муқаддас кин, ўт бўрони
Ғарбга югур, ёвга йўқ омон!

Икки-уч соат ичида ёзилган бу ажойиб шеърни ўқиб, биз атоқли адибимизнинг истеъдодига яна бир бор қойил қолдик. Бу шеър газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинди.

Эртасига биз Ойбек ака билан хайрлашдик. У киши фронт газеталари ортилган ёпиқ машинага тушиб, бир неча алоқа офицери билан бирга Харьков томонга жўнаб кетди. Ойбек ака олдинги марралардаги қисмларга жўнаб кетгандан кейин орадан уч-тўрт кун ўтгач, Харьков атрофида даҳшатли жанглар бошланиб кетди. Гитлерчилар жон аччиғида қутуриб қарши ҳужумга ўтди. Бизнинг шонли жангчиларимиз мардонавор жанг қилиб, фашистларнинг ҳамласини қайтарардилар. Қонли жанглар авжига чиққан эди...

Биз Ойбек акадан хавотир ола бошладик. Уни олдинги жабҳага кетишига йўл қўйганимизга минг пушаймон бўлдик. Энди уни қидиришга тушдик. Алоқа офицерлари унинг Воронежда қолганлигини айтишди. Ундан кейин дом-дарак тополмадик. Москвага, Тошкентга бир неча телеграмма бердик. Жавоб бўлмади. Ниҳоят, апрелнинг охирларида Тошкентдан Ойбек аканинг ўзидан хат олганимиздан сўнг, кўнглимиз тинчиди. Шундан кейин биз у киши билан доимо хат ёзишиб турдик.

Атоқли адибимиз 1942 йил декабрь ва 1943 йилнинг январь, февраль, март ойларида Улуғ Ватан уруши фронтларида бўлганлиги натижасида бир туркум шеърлар ёзди ва, ниҳоят, унинг ажойиб «Қуёш қораймас» романи пайдо бўлди.

Бу ҳақда Мусо Тошмуҳамедович ўзининг қисқача таржимаи ҳолида бундай деб ёзади:

«Оғир уруш йилларида мен «Қуёш қораймас» деган янги роман устида иш бошладим. Улуғ Ватан уруши фронтларидаги ўзбек жангчиларини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Мен артистлар бригадаси билан фронтга борган бўлсам ҳам, у ерда бригададан ажралиб қолдим. Чунки фақат шароитни, кишиларни чуқур ўрганибгина жангчи ва командирларнинг қаҳрамонлиги ҳақида асар ёзиш мумкинлигини англадим ва фронтда уч ой қолиб кетдим».

Қаламини найзага айлантириб, Улуғ Ватан уруши фронтларида жонбозлик кўрсатган ва мамлакат ичкарисида ишчилар, колхозчилар, совет зиёлилари билан бирга фидойилик кўрсатиб, фронтга ёрдам берган Ойбек акамизнинг ҳам улуғ Ғалабамизга қўшган ҳиссаси бор. Буни биз унутмаймиз, биздан кейин авлодлар ҳам асло унутмайди!

Рустам АБДУРАҲМОНОВ,
истеъфодаги майор.

ФУТБОЛ

БУГУН ЦЮРИХДА

қизиқарли футбол учрашувларидан бири бўлади. СССР терма командаси Европа чемпионати саралаш ўйинларининг навбатдагисини ўтказади. Футболчиларимиз мазкур шаҳарда Швейцария терма командаси билан куч синашадилар. Учрашув натижаси эса совет командаси мавқеини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Европа чемпионатининг VI группасида саралаш ўйинлари ўтказаётган футболчиларимиз уч учрашувдан тўрт очко жамғариб, иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. Шу группани ташкил этган тўрт команда ўртасида ҳозирча беш ўйиндан 5 очко олган Ирландия футболчилари биринчи ўринни, Туркия ва Швейцария командалари учинчи ва тўртинчи ўринни ишғол этишган.

Бугун Швейцария терма командаси билан куч синашадиган совет футболчилари асосан киевлик динамочилардан ташкил топди. Совет терма командасининг тренерлари шунингдек дарвозабон В. Астаповский (ЦСКА), ҳимоячилар Е. Ловчев («Спартак») ва В. Звягинцев («Шахтёр»), ҳужумчилардан В. Сахаров («Торпедо») ҳамда В. Фёдоров («Пахтакор»)ларни ҳам таклиф қилдилар.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ОЛТИН ДЕСАМ...

Пахтазорда кўрдим жонон қиз,
Исми Баҳор — унга қаранг Сиз:
...Сарви қомат,
Чеҳраси гул-гул,
Қўш дарёдек сочлар баралла,
Қошлар — ҳилол,
Кўзлар — қуёш, киприклар —
шуъла.
— Қайдансан айт, лаблари ғунча?
Сени кўрмоқ қийинми шунча?!
Ҳа, пайқадим.
Пахтазоркан сенинг масканинг!
Баҳор десам, ўзинг — олтин-дур,
Олтин десам, баҳор кўринур.

Тўлқин РАЖАБИЙ.

ОНА ЕР ҚЎШИҚЛАРИ

Момо ердир ҳаёт онаси,
Ризқи-рўзим сочилган унга,
Бобом бўлиб нур парвонаси
Ҳаёт йўлин излаган шундан.
Қучоғида ёзиб қулочим,
Ҳар заррасин дейман:
— Кўз нурим!
Ҳаёт йўқдир дўстлар, мен учун
Шу тупроқдан ажралган куним!

* * *

У билмайди гўзаллик нима
Безанишни сезмайди ҳатто.
Кибр-ҳаво унга бегона,
Тили ҳам йўқ, сўзламас асло.
Яшаса ҳам ўзи яланғоч,
Саховати эрур бир дунё
Ҳар инсонга кийинтирар тож,
Бағри эрур битмас ҳазина.
Кўтарар-у бизни бошига,
Чарчамайди ишлаб бетиним.
Кўксин очиб эл қуёшига
Пойимизда қилади таъзим.

* * *

Гўёки ер бўлса аланга
Ундан учқун бўлиб чақнаган
Инсон
Тафаккур машъалин ёқиб
оламга
Ерни эзгуликка қилганлар
макон.

Ашурали АҲМЕДОВ.

МЕҲМОНЛАР КУТИШЯПТИ

Партия ва ҳукуматимиз Хивадаги тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, қайта тиклаш ишларини тезлаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Кейинги йилларда бу соҳада анчагина ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Мана, ўзининг тарихий обидалари билан машҳур бўлган Хива шаҳридамиз. Сайёҳларнинг кўзлари қадимий ўзбек меъморчилиги ва тарихидан ҳикоя қилиб турган минораларга тикилган. Улар ватанимизнинг турли шаҳарлари ва қардош социалистик мамлакатлардан келганлар Шаҳар Совети ижроия комитети туристларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган зарур тадбирларни амалга ошираётир Транспорт, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланяпти.

Тарихий ёдгорликлар ичида Муҳаммад Мадраҳимхон мадрасаси архитектура жиҳатидан юксак савияда қурилган. Бу бинони туристлар учун 220 ўринли меҳмонхонага мослаштириш ҳамда Матниёз девонбеги мадрасасида ресторан ташкил этиш юзасидан лойиҳа тузилди. Лойиҳа тасдиқланди. Бу ишлар учун бир миллион сўм маблағ ажратилди. Қурилиш ишларини олиб бориш «Курортстрой» бошқармаси зиммасига юкланди.

АЖАБ САВДОЛАР

Мадрасани меҳмонхонага мослаб реставрация қилиш иши 1973 йили бошланган эди. Орадан икки йилдан ошиқ вақт ўтди. Аммо, иш сусткашлик билан олиб борилаётир. Объект учун берилган бир миллион сўмнинг 400 минг сўмидан фойдаланилган, холос.

Туристлар зориқиб кутаётган меҳмонхонани фойдаланишга топширишнинг кечиктирилаётганлиги сабабини Хива шаҳар ижроия комитети раиси Рустам Файзуллаев шундай изоҳлайди:

Бу йил туристлар янги меҳмонхонада дам олишлари керак эди. Аммо, «Курортстрой» раҳбарларининг эътиборсизлик билан қарашлари оқибатида реставрация ишлари кечиктирилмоқда Хивада «Курортстрой»нинг прораб Қаландаров бошчилигида битта участкаси бор, холос. Ишчи кучи етарли эмас. Участкада ишлаётган ремонтчилар ишни тез ва сифатли бажара олмаяпти.

Касаба союзлари республика комитети капитал қурилиш бўлими бошлиғи ўртоқ Дамир Қашқаров эса реконструкция ишларининг кечикаётганлигини қуйидагича тушунтирди:

— Реставрация ишларини кўнгилдагидек сифатли қилиб ишлайдиган мутахассис ишчилар етишмайди. Ҳозир 60 киши ўрнида 10 киши ишлаётир.

«Курортстрой» бошқармаси бошлиғи А. Пўлатхўжаев ҳамда Дамир Қашқаров ўртоқлар бу ишни иккинчи даражали иш деб эътиборсизлик билан қараб келаётганликлари сир эмас. Меҳмонларга эса, бахона эмас, меҳмонхона керак.

Ж. МАҲМУДОВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 17.10 — ТОШКЕНТ. 17.15 «Орзу». 17.55 — Мультфильм. 18.15 — **«Ахборот».** 18.20 — Уч минут музика. 18.30 — Мушоира этади давом. 19.15 — **Экран хандаси.** 19.55 — Футбол бўйича Европа чемпионати. 21.45 — **«Ахборот».** 22.00 — **«Вақт.** 22.30 — КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 17.10 — МОСКВА. 17.40 — Телефильм. 18.05 — Цирк майдонида 19.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 19.55 — ТОШКЕНТ. **Автомобилдан сақланинг** (бадиий фильм). 21.30 — Телефильм. 21.45 — Акробатика бўйича СССР чемпионати (Москва). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — МОСКВА.

13 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 15.00— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 Мультфильм. 18.50 — Концерт. 19.10 — **«Ахборот».** 19.25 — КПСС XXV съезди шарафига (Москва). 20.10 — **Рустам ҳақида достон** (эпик оратория). 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Пахта усталари минбари. 21.40 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Иссиқ қор** (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — МОСКВА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 20.10 — МОСКВА. 20.40 — Телефильм. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — Фильм-балет. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.05 — ДУШАНБА.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12 X да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12 X да **Ужарлар.**

ШАПИТО ЦИРКИДА — МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.00).

КИНО

Оддий муҳаббат — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги ўқ: Қопқон — «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Флангсиз фронт — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА
ИНСТИТУТИНИНГ
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ
1975-76 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ИЛҒОР ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИ ВА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА ХИЗМАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАНЛАР, ШУ ТАШКИЛОТНИНГ ЙЎЛЛАНМАСИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар, йўлланма берган ташкилотда камида 1 йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан (архитектура факультетидан ташқари) физика ва математика фанидан, химия технология факультети учун химия фанидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб қабул қилинади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИНГ 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан ҳарбий бўлимдан характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (286-форма), олтита фотосурат 3х4 см).

ҲУЖЖАТЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар билан бўладиган суҳбат 25 ноябргача ўтказилади.

ЎҚИШ—1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎРТА МАКТАБНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИ 1975 ЙИЛДА ТУГАТГАНЛАР МЕҲНАТ СТАЖИ БЎЛСА ҲАМ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Шайхантаур кўчаси, 10-уй, 23-хона. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

1975—76 ўқув йили учун ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, УМУМТЕХНИКА ВА МЕҲНАТ, МУЗИКА ВА АШУЛА, РАСМ ВА ЧИЗМАЧИЛИК ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА — ўрта маълумотга эга бўлгандан сўнг камида бир йиллик меҳнат стажига эга бўлган қурилиш, алоқа ва транспорт корхоналари, геология қидирув муассасалари, илғор ишчи-ёшлар ва колхозчилар, шунингдек Совет Армияси хизматини ўтаган ёшлар қабул қилинади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИНГ ОХИРИДА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАН БАРЧА ТИНГЛОВЧИЛАР ШУ ИНСТИТУТНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМ 1 КУРСИГА КОНКУРССИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ректор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан характеристика, иш жойидан йўлланма, меҳнат дафтарчаси, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см).

Паспорт ва ҳарбий билети

●

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра катта ўқитувчилари: тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари, жисмоний тарбия ва спорт;

кафедра ассистентлари: тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари ҳисоблаш математикаси, инженерлик графикаси (2 ўрин), ноорганик химия, тикув буюмлари технологияси (2), чет тиллари, рус тили, жисмоний тарбия ва спорт.

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА

кафедра катта ўқитувчилари инженерлик графикаси, машина ва механизмлар назарияси.

НАМАНГАН ЎҚУВ КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТИ БЎЙИЧА

кафедра катта ўқитувчилари: технологияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — 4 ноябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ГСП, Горбунов кўчаси, 5- уй.

●

АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ
ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

клепалчи-йиғувчилар, слесарь-фрезерчилар, токарлар, расточкачилар, сайқал берувчилар, қолипчилар, моделчилар, юкчилар, идиш-товоқ ювувчилар, ошпазлар

КЕРАК

Шартнома бўйича ишга кирган малакали ишчиларга бир йил давомида туржой берилади.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, слесарь-йиғувчилар, сайқал берувчилар, электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар, ремонтчилар, штамповкачилар, қолипчилар, хромловчилар, автоматчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппарати коллективи, партия бюроси, касаба союз маҳаллий комитети бўлим мудири К. Мирзажоновга онаси

Ўғилжон ҒОЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана
Верховного Совета и Совета
Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан
330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 14237.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
ИНДЕКС 64583.
Б. — 239.